Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 28 июнь
ЖУМА
№ 123 (5.165).
БАҲОСИ 8 тийин

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

ТИЛ—МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон ССР Президент Кенгашида

● 26 ИЮНЬ КУНИ ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛДИ. МАЖЛИСНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ ОЛИБ БОРДИ.

Мажлисда «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунининг бажарилиши ҳамда кўптиллилик маданиятини шакллантириш масалалари кўриб чиқилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов маъруза қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзолари Э. Ю. Юсупов, Ш. Р. Мирсаидов, Э. С. Самандаров, Шукрулло, Т. А. Валиев, Ҳ. Худойбердиева, Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров сўзга чиқдилар.

Мажлисда ўзбек тили ўзбек халқининг улкан бойлиги ва бебаҳо маънавий мулки эканлиги, ўзбек тилини давлат тили сифатида янада ривожлантириш, унинг асрлар оша сақланиб келган сўз бойлиги ва анъанавий хусусиятларини такомиллаштириш ва қўлланиш доирасини мунтазам равишда кенгайтириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Жумҳуриятда «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунини амалда қўллаш бўйича олиб борилаётган ишларга эътибор қаратилди. Мактабгача тарбия муассасаларида, ўқув юртларида ўзбек тилини ўқитишни такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишни таҳлил этиш Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида қонун қабул қилиниб, уни рўёбга чиқаришга доир давлат дастури ишлаб чиқилгандан кейин бу борада муайян ишлар олиб борилганлигини кўрсатди.

Ҳозирги вақтда ўзбек мактабларида она тили ва адабиётини ўрганиш 2720 соатни ташкил этади. Бу Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятлар ва Қозоғистондагига нисбатан анча кўпдир.

Дарслар рус тилида ўқитиладиган мактабларда ўзбек тилини ўрганиш дастурлари ва ўқув режаси қайта кўриб чиқилди. 1990 йилгача шу мактабларда ўзбек тилини ўрганишга 544 соат ажратилган бўлса, ўтган ўқув йилида бу рақам икки баравар ортиб, 1 минг 20 соатни ташкил этди. Бир қанча мактабларда бу борада тажрибалар ўтказиляпти, ўзбек тилини ўқитишнинг янги-янги усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Жумҳуриятимизнинг тиббиёт, техник ва бошқа бир қатор олий ўқув юртларида миллий бўлимларнинг 1—2 курс талабалари ўз она тилида ўқитиладиган бўлди. Бу эса махсус билимларни чуқурроқ эгаллашга имконият туғдирди.

Дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган ҳунар-техника билим юртларининг тармоғи ҳам кенгайди. Бу эса маҳаллий аҳоли орасидан ишчи кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилидир. Ҳозирнинг ўзидаёқ бизда 300 дан ортиқ шундай ўқув юрти ишлаб турибди.

Ўз ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар рус тилида сўзлашувчи талабаларга давлат тилини ўрганиш учун шарт-шароит яратиб бериш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширдилар. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги системасидаги ўқув юртларидагина шу кунгача тўққизта ўзбек тили кафедраси ташкил этилди.

Мажлисда ўзбек тили ва адабиёти бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш кераклиги айтиб ўтилди. Жумҳурият рус тили ва адабиёти билимгоҳи, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Термиз педагогика олийгоҳларида дарслар рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун ўзбек тили ўқитувчилари тайёрлайдиган махсус бўлимлар қайта ташкил этилди.

Шу билан бирга мажлисда «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш борасидаги фаоллик сўнгги вақтда бироз сусайганлиги таъкидланди. Айрим ташкилотларда ўзбек тилини ўрганиш курсларига нисбатан эътиборсиз муносабатда бўлинганлиги туфайли улар тарқатиб юборилди. Бошқа ташкилотларда эса булар номигагина ишлаб турибди, яна бошқаларда эса қонунда айтилганидек, бепул бўлиш ўрнига қиммат нархлардаги курслар ташкил этила бошланди, бу эса тил ўрганишни хоҳловчиларнинг камайишига ўз таъсирини кўрсатди.

Жумҳуриятнинг баъзи ўқув юртларида давлат тилини ўрганишни йўлга қўйишда ҳал этилмаган муаммолар ва камчиликлар мавжудлиги, мактабларда бошланғич синфларнинг ўқувчилари учун дарсликлар ҳалигача йўқлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ССР Президенти жумҳуриятимизнинг кўпгина корхоналарида, жумладан, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида раҳбар кадрлар учун ўзбек тилини ўрганадиган кичик тўгараклар ташкил қилиш кераклигини, Навоий шаҳар раҳбарияти буни назоратостига олиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Атамашунослик соҳасидаги муаммолар ўзбек тилини ўрганиш сифатига таъсир қилмоқда. Гарчи кейинги йилларда ўзбек тилида кўпгина луғатлар, сўзлашув китоблари нашр этилган бўлсада, ўқув адабиётида, рўзнома ва ойномаларда, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларда айрим сўзларни ишлатишда хатоларга йўл қўйилмоқда. Бу эса жумҳуриятатамашунослик комитети ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилишини зарур даражада таъминлай олмаганлиги билан боғлиқдир. Атамашунослик комитети фаолиятида анчагина расмиятчиликка йўл қўйиляпти, илмий изчиллик етишмайди, тавсиялар асослаб берилмайди.

И. А. Каримов мажлис қатнашчилари эътиборини атамашунослик комитети фаолиятини яхшилашга, унинг ишини аниқ ва пухта ташкил этиш зарурлигига қаратди.

Ўзбек тили бўйича ўқитувчи мутахассисларни тайёрлаш системасини, педагогика илмгоҳлари, филология факультетлари фаолиятини янада яхшилаш, тилшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда давлат тили бўлган ўзбек тилини ривожлантириш ва уни қўллаш билан бир қаторда Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилаётган бошқа миллатлар ва элатлар тилларига ҳам ҳурмат билан қараш, уларнинг камситилишига сира ҳам йўл қўймаслик кераклиги айтиб ўтилди.

Ҳозирда Ўзбекистон ССРдаги бошқа халқларнинг тиллари ҳам ўзбек тили билан бир қаторда тенг ҳуқуқли асосда ўзаро бойиб, ривож топмоқда ва маданиятлар равнақига кўмаклашмоқда. Жумҳурият худудида жам бўлиб яшайдиган халқларнинг тилларида дарс ўтиладиган мактаблар сони йил сайин кўпаймоқда.

Ўзбекистоннинг бир қанча ўқув юртларида дарслар миллий гуруҳлар тилларида ўқитиладиган мактаблар учун кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Чунончи, Тошкент ва Сирдарё педагогика билимгоҳларида дарслар қозоқ тилида ўқитиладиган умумтаълим мактаблари учун мутахассислар, Самарқанд, Бухоро, Термиз педагогика билимгоҳлари ва Косонсой, Чуст педагогика билим юртларида фанларни тожик тилида ўқитадиган мутахассислар тайёрланяпти.

Ўзбекистоннинг туб аҳолиси, бошқа миллий гуруҳлар учун ўз она тилини ўрганиш шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар бу борада яқин ўтмишга хос бўлган муаммо кескинлигини кўп жиҳатдан пасайтириш имконини берди. Ўзбекистон раҳбариятининг ана шу йўналишдаги куч-ғайрати ўлкада миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришга кўмаклашди. Меҳнаткашлар тил муаммоларини ҳал қилиш соҳасида жумҳуриятимизда олиб борилаётган ишларга ижобий баҳо бермоқдалар.

Мажлисда қайд этилганидек, ҳозирги давр ёшларга чет тилларни, жумладан инглиз, француз, испан, немис, араб, япон, хитой ва бошқа тилларни ўқитишни тақозо этмоқда. Мактабларимизда чет тилини ўқитиш даражаси паст бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Мактаблар ва олий ўқув юртларида чет тилини ўрганиш масалаларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Мажлисда миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ масалалардан бири бўлмиш тил муаммоларига янада ижодий ёндашиш, бу борадаги ижобий тажрибани жиддий таҳлил этиш ва ундан самарали фойдаланиш зарурлиги уқтирилди.

Мажлисда ўзбек, рус ва бошқа тилларни ўқитишда изчиллик ва тартибни таъминлаш мақсадида зарур ўқув-методик адабиётни ишлаб чиқиш юзасидан бирлашган муаллифлар жамоларини ташкил этиш, жумҳуриятнинг етакчи олий ўқув юртлари негизида ўзбек тили, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи халқлар тиллари, шунингдек хорижий тиллар бўйича илмий-методик ва ўқув марказларини тузиш кераклиги айтилди.

Миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия масалалари билан шуғулланувчи кенгашларнинг, жамиятшунослик ва филология кафедраларининг фаолиятини кучайтириш, барча олий ўқув юртларида «Ўзбекистон халқлари тарихи» ҳамда «Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш» курсларини жорий этишни таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда Президент Кенгашининг фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЛОЙИҲА

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

● «Мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисида шартнома» лойиҳаси эълон қилинмоқда. Лойиҳа республикаларнинг мухтор вакиллари, Федерация кенгаши томонидан ҳамда СССР халқ депутатларининг тўртинчи съезди тузган тайёргарлик комитети томонидан бир неча бор батафсил кўриб чиқилган, ўзгартиш ва аниқликлар киритилган.

Лойиҳа кўриб чиқиш учун республикаларнинг Олий Кенгашларига ва СССР Олий Кенгашига юборилди.

Ушбу шартномани имзолаган давлатлар,

давлат мустақиллиги ҳақида ўзлари эълон қилган декларацияларига асосланиб ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф қилиб;

ўз халқларининг тарихий тақдирлари яқинлигини эътиборга олиб ва уларнинг Иттифоқни сақлаб қолиш ҳамда янгилашга бўлган ва 1991 йил 17 март референдумида изҳор этилган хоҳиш-иродасини бажариб;

дўстлик ва иноқликда яшашга интилиб, тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаб;

ҳар бир шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун шароит ҳамда унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари учун ишончли кафолатлар яратиш истаги билан;

халқларнинг моддий-фаровонлиги ва маънавий ривожланиши, миллий маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши, умумий хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб;

ўтмишдан сабоқлар чиқариб ва мамлакат турмушидаги ҳамда бутун дунёдаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

Иттифоқдаги ўз муносабатларини янги негизларда қуришга қарор қилдилар ва қуйидагилар ҳақида бир битимга келдилар.

I.

АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Биринчи. Шартномада қатнашувчи ҳар бир республика мустақил давлатдир. Совет Суверен Республикалари Иттифоқи (СССР) — тенг ҳуқуқли республикаларнинг бирлашуви натижасида тузилган ва шартнома қатнашчилари ихтиёрий равишда унга берадиган ваколатлар доирасида давлат ҳокимиятини амалга оширадиган мустақил федератив демократик давлатдир.

Иккинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўз тараққиётининг барча масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиб, ўз ҳудудида яшовчи барча халқларга тенг сиёсий ҳуқуқларни ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиш имкониятларини кафолатлаб берадилар. Шартнома қатнашчилари умумбашарий ва миллий қадриятларни бирга қўшишга асосланиб иш тутадилар, ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қарши чиқадилар.

Учинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар БМТнинг инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг ялпи эътироф қилинган бошқа меъёрларига мувофиқ инсон ҳуқуқлари устиворлигини энг муҳим қоида деб ҳисоблайдилар. Барча фуқароларга она тилини ўрганиш ва ундан фойдаланиш имконияти, ахборотдан бемалол баҳраманд бўлиш, дин эркинлиги, бошқа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолотланади.

Тўртинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар фуқаро жамиятини шакллантиришни халқ ва ҳар бир киши эркинлиги ҳамда фаровонлигининг энг муҳим шарти, деб биладилар. Улар мулкчилик шаклларини ва хўжалик юритиш усулларини эркин танлаб олиш, умуминтифоқ бозорини ривожлантириш, ижтимоий адолат ва ҳимояланиш қоидаларини рўёбга чиқариш асосида одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга интиладилар.

Бешинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар тўла-тўкис сиёсий ҳокиматга тўла-тўкис эгадирлар, ўз миллий-давлат ва маъмурий-ҳудуд тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил равишда белгилайдилар. Улар ўз ваколатларидан бир қисмини шартномада қатнашувчи ва ўзлари таркибига кирган, бошқа давлатларга топшириш лари мумкин.

Шартнома иштирокчилари халқ вакиллигига ва халқларнинг ўз хоҳиш-иродасини бевосита изҳор этишига асосланган демократияни муштарак энг муҳим қоида деб тан оладилар, тоталитаризм ва бедодликка олиб борувчи ҳар қандай тамойилларга қарши кафил бўлиб хизмат қила оладиган ҳуқуқий давлатни барпо этишга интиладилар.

Олтинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар миллий анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятга давлат мадади беришни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайдилар. Улар Иттифоқ ва бутун дунё халқларининг инсонпарварлик руҳидаги маънавий қадриятлари ва ютуқлари жадал баҳам кўрилишига ва ўзаро бойитилишига кўмаклашадилар.

Еттинчи. Совет Суверен Республикалари Иттифоқи халқаро муносабатларда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг вориси бўлган мустақил давлат, халқаро ҳуқуқнинг субъекти тарзида иш кўради. Унинг халқаро майдондаги энг асосий мақсадлари мустаҳкам тинчликдан, қуролсизланишдан, ядро қуролини ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тугатишдан, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда давлатларнинг ҳамкорлиги ва халқларнинг бирдамлигидан иборат.

(Давоми иккинчи бетда).

Қут-барака сарчашмаси

ФЕРМА ХАБАРЛАРИ

ОҚОЛТИН

«Чинобод» давлат хўжалигида фермерлар сони ой сайин кўпаймоқда. Норқул Худойқулов биринчилардан бўлиб хайрли ишга қўл урди. У шартнома асосида 10 минг сўм қарз олиб қорамол, қўй сотиб олди. Оила аъзолари билан сидқидил тер тўкди. Қисқа вақт ичида қорамоллар бош сони 22 тага етди. Шу кунгача Н. Худойқулов бошлиқ хонадон фермаси аъзолари давлатга бир ярим тонна гўшт сотдилар.

А. НОРҚУЛОВ.

КИРОВ

Қўшхонага топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 540 килограммни ташкил этди. Давлатга 76 тонна семиз гўшт топширилиб, ярим йиллик режа 135 фоизга бажарилди. Ҳа, «Москва» колхози бўрдоқибоқарлари мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда. Муваффақиятга эришишда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг синалган омили — мусобақанинг аҳамияти катта. Зарбдорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаяпти.

А. УЗОҚОВ.

ҚАРШИ

Карл Маркс номли давлат хўжалигида жамоат чорваси учун мўл ем-хашак жамғариш юзасидан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. 575 гектар ердаги беда вақтида ўриб олинмоқда. Муҳим ишда П. Қурбонов, Ш. Бозоров, Э. Аллаев каби механизаторлар намуна. Тўйимли озуқани фермаларга ташишда Ж. Бозоров, М. Рўзиев каби тележкачилар жонбозлик кўрсатишаяпти.

Ҳ. НАЗАРОВ.

ҚОРАБАЙИРЛАР ШУҲРАТИ ТИКЛАНАДИ

Будённий номли отчилик совхозида бўлсангиз, ажойиб қорабайир отларини кўриб ҳайратланасиз. Эндиликда бир вақтлар унутиб юборилган соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Тажрибали мутахассис Зулфиқор Нормуродов билан йўл-йўлакай суҳбатлашамиз.

— Одамлар отлардан транспорт воситаси сифатида фойдаланишган,— дейди у. — Афсуски, шуҳрати оламга ёйилган отларимиз камайиб кетди. Машиналарга рўзғу қилдик. Ҳаёт қанчалик катта хатога йўл қўйилганлигини яққол кўрсатди. Ўзингизга ўйланг, раҳбар хўжаликка қарашли машинадан бир йил фойдаланса эҳтиёт қисм ва ҳайдовчининг маошини қўшиб ҳисоблаганда камида 5 минг сўм сарф қилинади. Отдан фойдаланганда эса нари борса 350 сўм кетади. Мана энди фойда-зиёнини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Хўжаликда 300 га яқин от бўлиб, ундан 40 таси бия. Ҳар йили хўжаликларга зотли отлар етказиб берилмоқда. Қимиз етиштириш ҳам йил сайин кўпаяяпти. Ҳикоя қилишларича Зулфиқор аканинг бобоси, отаси ҳам отчилик билан шуғулланишган экан. Хайрли ишни у муваффақиятли давом эттираяпти. З. Нормуродов ихтиёрида 26 бош зотли қорабайир отлар бор. Уларни меҳр билан парвариш қилмоқда. Тулпорлар Тошкент шаҳридаги отчопарда синовдан ўтказилди. Натижа чаки эмас. Қорабайирлар шуҳрати тикланмоқда. Ҳозирча Германия, Япония билан шартнома тузилган. Отбоқарларнинг қувончи чексиз: 30 та от юқори нархда сотилди.

Хўжалик раҳбар ва мутахассислари отбоқарларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Яқинда озуқа етиштириш учун 100 гектар ер ажратилди.

Бир неча йил аввал Краснодар, Ленинград, Москва шаҳарларида ўтказилган пойгада ўзбекистонлик чавандозлар фахрли ўринларни эгаллашган. 1989 йилда Тошкентдаги от спорти мусобақаларида эса Ф. Нормуродов зафар қучди. Бунда мазкур хўжалик чорвадорларининг муносиб ҳиссаси бор.

Х. ТУРАЕВ.
Яккабоғ тумани.

ОТА ДУОСИ

Жомбой районида бўлсангиз, фермерлар сардори Абдуазиз Сафаров муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилишади. У ишбилармон ҳар қандай шароитда ҳам мўмай даромад олиш мумкинлигини исботламоқда. Самарқанд қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳини тугатган зоотехник дастлаб иш тополмай қийналди. Шунда отаси Сафар ака маслаҳати билан оила фермасини ташкил этди. «Октябрь» колхозидан 178 минг сўм қарз олди. Дастлаб 27 та сигир парваришлади. Оила аъзолари билан тиним билмади. Дастлабки йилнинг олти ойида фермер хўжалиги 32 тонна сут сотди. 1989 йилга келиб моллар сони 127 тага етди. 44 сигирдан 38 бош бузоқ олинди. Иш юришганини кўрган хўжалик раҳбарлари хонадон фермасини кенгайтириш, механизациялаш учун қўшимча маблағ ажратдилар. Қисқа вақт ичида ускуналар ўрнатилди. Ўтган йил бошида қорамоллар сони 212 тани ташкил этди. Оила аъзолари шошиб қолишди. Абдуазиз қадрдон дўстлари Сафар Олтибоев ва Сафар Ҳушназаровни ёнига олди. Очиғи фермер шу даражада муваффақиятга эришади, деб ҳеч ким ўйламаганди. Шу кунгача 39 тонна сут сотилди. 17 минг сўм хўжаликка қайтарилди. Демак, яқин вақт ичида қарздан тўла қутилади.

Е. ҲАЗРАТҚУЛОВ.

ОЗУҚА ТЎПЛАШ АВЖИДА

Чорва моллари учун етиб ортадиган миқдорда ем-ҳашак тўплаш ишлари Шофиркон районидаги Қ. Муртазоев номли жамоа хўжалигида кундан-кунга авж олдирилаётир. Озуқа йиғиш учун махсус бригадалар ташкил этилган бўлиб, улар ҳар куни 1,5—2 ҳисса атрофида иш бажаришяпти. Пишиб етилган табиий ўтни ва бедани ўриб-йиғиб олишда Бухор Қозоқов бошчилигидаги механизаторлар илғорлик қилишмоқда. Етакчининг ўзи ҳамкасбларига ўрнак бўлиб, кунига 10—15 гектардаги бедани йиғиб олишга эришаётир.

Айни кезларда эса «КИР-1,5» агрегатини трактورга ўрнатиб беда ўримида фаоллик кўрсатаяпти. Унинг фидойилиги сабабли шу кунгача 200 тоннадан кўп озуқа жамғарилди.

— Мен жорий йилда емхашак тўплашда фаол қатнашаман, — дейди Бухор. — 1,5 минг тоннадан ортиқ хашак тўплашга баҳолиқудрат ҳисса қўшолсам бурчимни виждонан адо этган бўламан. Шу маррани забт этишга ҳаракат қиляпмиз.

Б. МУРОДОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Пешқадам механизатор Б. Қозоқов 2. Ўрим-йиғим пайти.

К. КАРИМОВ олган суратлар.

ЛОЙИҲА

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоларидир. Улар иттифоқдош давлатлардан ҳар бирининг манфаатларига ва уларнинг умумий манфаатларига путур етказмай, Иттифоқнинг халқаро мажбуриятларини бузмай ажнабий давлатлар билан бевосита дипломатия, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатишга, улар билан тўла ҳуқуқли ваколатхоналар айирбошлашга, халқаро шартномалар тузишга ва халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ҳақлидирлар.

II.

ИТТИФОҚНИНГ ТУЗИЛИШИ

1-модда. **Иттифоққа аъзолик**

Давлатларнинг Иттифоққа аъзолиги ихтиёрийдир.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар унга бевосита ёки бошқа давлатлар таркибида кирадилар. Бу эса уларнинг ҳуқуқларига путур етказмайди ва шартнома юзасидан олинган мажбуриятлардан халос қилмайди. Уларнинг ҳаммалари тенг ҳуқуқларга эгадирлар ва тенг мажбуриятларни зиммаларига оладилар.

Бири бошқа давлат таркибига кирадиган давлатлар ўртасидаги муносабатлар улар ўртасидаги шартномалар билан ва ўзи таркибига кирган давлатнинг Конституцияси билан тартибга солинади.

Иттифоқ ушбу шартномани тан олувчи бошқа демократик давлатларнинг кириши учун очиқдир.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар шартнома қатнашчилари белгилаган ва Конституцияда ҳамда Иттифоқ қонунларида мустаҳкамлаб берилган тартибда ундан эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

2-модда. **Иттифоқ фуқаролиги**

Иттифоққа кирувчи давлатнинг фуқароси айни вақтда Иттифоқнинг фуқаросидир.

ССР Иттифоқининг фуқаролари Иттифоқ Конституциясида, қонунларида ва халқаро шартномаларида мустаҳкамлаб қўйилган тенг ҳуқуқларга, эркинликлар ва мажбуриятларга эгадирлар.

3-модда. **Иттифоқ ҳудуди**

Иттифоқ ҳудуди уни ташкил этувчи барча давлатларнинг ҳудудларидан иборатдир.

Шартнома қатнашчилари шартнома имзоланган пайтда улар орасида мавжуд бўлган чегараларни тан оладилар.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўртасидаги чегаралар фақат улар орасидаги шартноманинг бошқа қатнашчилари манфаатларини бузмайдиган битимга мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

4-модда. **Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўртасидаги муносабатлар**

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартнома билан, ССР Конституцияси билан, уларга зид бўлмаган шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади.

Шартнома қатнашчилари Иттифоқ таркибидаги ўз муносабатларини тенглик, суверенитетни, ҳудудий бирликни ҳурматлаш, ички ишларга аралашмаслик, низоларни тинч воситалар билан ҳал этиш, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, Иттифоқ шартномаси ва республикаларо битимлар юзасидан олинган мажбуриятларни виждонан бажариш асосига қурадилар.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар: ораларидаги муносабатларда куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик; бирбирининг ҳудудий яхлитлигига қасд қилмаслик; ўз ҳудудида ажнабий давлатларнинг қуролли бўлинмалари ва ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслик, Иттифоқнинг мақсадларига зид келадиган ёки уни ташкил этувчи давлатларга қарши қаратилган битимларни тузмаслик мажбуриятини оладилар.

Иттифоқнинг қуролли кучларидан мамлакат ичкарисида фойдаланишга йўл қўйилмайди, уларнинг табиий офатлар ва экология фалокатлари оқибатларини тугатишда қатнашиши, шунингдек фавқулодда ҳолат тартиби тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

5-модда. **ССР Иттифоқи бошқарувидаги соҳа**

Шартнома қатнашчилари ССР Иттифоқига қуйидаги ваколатларни берадилар:

— Иттифоқ суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш; уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш; мудофаани таъминлаш ва Иттифоқнинг қуролли кучларига, чегара, ички, темир йўл қўшинларига раҳбарлик қилиш; қурол-яроғ ва ҳарбий техника ишлаб чиқишни ҳамда ишлаб чиқаришни уюштириш ва бу ишларга раҳбарлик қилиш.

— Иттифоқнинг давлат хавфсизлигини таъминлаш; Иттифоқнинг давлат чегарасини, денгиз ва осмон чегараси тартиботини белгилаш ва муҳофаза қилиш; республикалар хавфсизлик идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш.

— Иттифоқнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш ва республикаларнинг ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириб туриш; ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда Иттифоқ номидан вакиллик қилиш; Иттифоқнинг халқаро шартномаларини тузиш.

— Иттифоқнинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ва республикаларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириб туриш; халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларда Иттифоқ номидан вакиллик қилиш, Иттифоқнинг ташқи иқтисодий битимларини тузиш.

— Иттифоқ бюджетини тасдиқлаш ва ижро этиш, пул чиқаришни амалга ошириш; Иттифоқнинг олтин заҳирасини, олмос ва валюта жамғармаларини сақлаш; космик тадқиқотларга, умумиттифоқ алоқа ва ахборот, геодезия ва картография, метрология ва стандартлаш тизимларига раҳбарлик қилиш; атом энергетикасини бошқариш.

— Иттифоқ Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; Иттифоқ ваколатлари доирасида қонунлар қабул этиш ва республикалар билан келишиб олинган масалалар юзасидан қонун асосларини белгилаб бериш; олий Конституциявий назорат.

— Федерациянинг ҳуқуқини муҳофаза этиш идоралари фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда Иттифоқ ва республикаларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириб туриш.

6-модда. **Иттифоқ ва республикалар биргаликда бошқарадиган соҳа**

Иттифоқ ва республикаларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви идоралари қуйидаги ваколатларни биргаликда амалга оширадилар:

— Ушбу шартномага ва СССР Конституциясига асосланган Иттифоқ конституциявий тузумини ҳимоя қилиш; СССР фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш.

— Иттифоқнинг ҳарбий сиёсатини белгилаш, мудофаани уюштириш ва таъминлаш тадбирларини амалга ошириш; армияга чақириш ва ҳарбий хизматни ўташнинг ягона тартибини белгилаш; республикалар ҳудудида қўшинларнинг фаолияти ва ҳарбий иншоотларнинг жойлаштирилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш; халқ хўжалигини сафарбарликка тайёрлашни уюштириш; мудофаа соҳаси корхоналарини идора қилиш.

— Иттифоқ давлат хавфсизлиги стратегиясини белгилаш ва республикалар давлат хавфсизлигини таъминлаш; шартноманинг тегишли қатнашчиси розилиги билан Иттифоқнинг давлат чегарасини ўзгартириш; давлат сирларини сақлаш; Иттифоқ ташқарисига чиқарилиши мумкин бўлмаган стратегик заҳиралар ва маҳсулотлар рўйхатини аниқлаш; экология хавфсизлиги соҳасидаги умумий қоидалар ва меъёрларни белгилаш; парчаланадиган ва радиоактив материалларни олиш, асраш ва улардан фойдаланиш тартибини ўрнатиш.

— ССР Иттифоқининг ташқи сиёсий йўлини белгилаш ва шу йўлнинг ўтказилишини назорат қилиш; СССР фуқароларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, республикаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини халқаро муносабатларда ҳимоя қилиш;

ташқи иқтисодий фаолият асосларини белгилаш; халқаро қарзлар ва кредитлар тўғрисида битимлар тузиш, Иттифоқнинг ташқи давлат қарзини тартибга солиш; ягона божхоналар иши; Иттифоқнинг иқтисодий зонаси ва денгизларнинг соҳилга яқин қисми табиий бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш.

— Иттифоқнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти стратегиясини аниқлаш ва умумиттифоқ бозорини вужудга келтириш учун шароит яратиш; умумий валютага асосланган ягона молия, кредит, пул, солиқ, суғурта ва нарх сиёсатини ўтказиш; Иттифоқнинг олтин захирасини, олмос ва валюта жамғармаларини вужудга келтириш ҳамда улардан фойдаланиш; умумиттифоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; Иттифоқ бюджетининг ижро этилиши ва пул чиқарилиши устидан назорат қилиш; маҳаллий ривожланиш ҳамда табиий офат ва фалокатларнинг оқибатларини тугатиш умумиттифоқ жамғармаларини вужудга келтириш; стратегик захираларни яратиш; ягона умумиттифоқ ҳисобини юритиш.

— Ёқилғи-энергетика заҳиралари соҳасида ягона сиёсат ва мувозанатни ишлаб чиқиш, мамлакатнинг энергетика тизимини, магистрал газ-нефть қувурларини, умумиттифоқ темир йўл, ҳаво ва денгиз транспортини бошқариш; табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асосларини белгилаш, сув хўжалигини ва республикаларо аҳамиятга молик бўлган (табиат бойликларини) бошқариш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириб туриш.

— Иш билан таъминлаш, аҳолининг кўчиб юриши, меҳнат шароитлари ва уни муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминот ва суғурта, халқ таълими, соғлиқни сақлаш масалаларига оид ижтимоий сиёсат асосларини аниқлаш; фуқаролар бир республикадан иккинчисига кўчиб борганида пенсия таъминотининг ва бошқа ижтимоий кафолатларни сақлаб қолишнинг ягона тартибини белгилаш; даромадларни ва кафолатланган энг оз тирикчилик даражасини индекслашнинг ягона тартибини белгилаш.

— Фундаментал илмий тадқиқотларни уюштириш ҳамда фан-техника тараққиётини рағбатлантириш, илмий ва муаллим кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни аттестациядан ўтказишнинг умумий қоидалари ва мезонларини белгилаш; даволаш воситалари ва усулларидан фойдаланишнинг умумий тартибини аниқлаш;

— миллий маданиятларни ривожлантиришга ва ўзаро бойитишга кўмаклашиш; оз сонли халқларнинг қадимий истиқомат муҳитини, улар иқтисодий ва маданий ривожланиши шароитини сақлаб қолиш.

— Иттифоқ Конституциясига ва қонунларига, Президент фармонларига, Иттифоқ ваколати доирасида қабул этиладиган қарорларга риоя этилишини назорат қилиш; умумиттифоқ криминалистика ҳисоботахборот тизимини вужудга келтириш; бир неча республикалар ҳудудида содир этилган жиноятларга қарши курашни уюштириш; ахлоқ тузатиш муассасаларини ташкил этишнинг ягона тартибини аниқлаш.

7-модда. **Иттифоқ давлат идораларининг ваколатларини ҳамда Иттифоқ ва республикалар давлат идоралари муштарак ваколатларини амалга ошириш тартиби**

Муштарак ваколат жумласига киритилган масалалар Иттифоқ ва уни ташкил этувчи давлатлар ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан келишиб олиш, махсус битимлар тузиш, Иттифоқ ва республикаларнинг қонун асосларини ва шу асосларга мувофиқ республикаларнинг тегишли қонунларини қабул этиш йўли билан ҳал қилинади. Иттифоқ идоралари ихтиёрига берилган масалалар мазкур идоралар томонидан бевосита ҳал қилинади.

5 ва 6-моддаларга мувофиқ Иттифоқ ҳокимият ва бошқарув идоралари қарамоғигагина ёки Иттифоқ ва республикалар идораларининг муштарак ваколати соҳасига ўтказилмаган ваколатлар республикалар қарамоғида қолади ва улар томонидан мустақил равишда ёки улар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама битимлар асосида амалга оширилади. Шартнома имзоланганидан кейин Иттифоқ ва республикалар бошқарув идораларининг ваколатларига тегишли ўзгартишлар киритилади.

Шартнома қатнашчилари шунга асосланадиларки, умумиттифоқ бозори қарор топган сайин иқтисодиётни бевосита давлат томонидан бошқариш соҳаси қисқариб боради. Бошқарув идоралари ваколатларининг зарур тарзда қайта тақсимланиши ёки ҳажми ўзгартирилиши Иттифоқни ташкил этувчи давлатларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Иттифоқ идораларининг ваколатларини амалга оширишга ёки Иттифоқ ва республикалар идоралари муштарак ваколатлари соҳасидаги ҳуқуқларни бажариш ва мажбуриятларни ижро этиш масалаларига оид баҳслар муросага келтириш тартиб-қоидалари билан ҳал қилинади. Муросага келинмаган тақдирда баҳслар Иттифоқ конституциявий суди муҳокамасига топширилади.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар Иттифоқ идораларини биргаликда тузиш воситаси билан, шунингдек қарорларни келишиб олиш ва уларни ижро этиш махсус тартиб-қоидаси орқали Иттифоқ идораларининг ваколатларини амалга оширишда қатнашадилар.

Ҳар бир республика Иттифоқ билан шартнома тузиш орқали ўзининг айрим ваколатларини амалга оширишни Иттифоққа қўшимча равишда топшириши, Иттифоқ эса барча республикаларнинг розилиги билан ўзининг айрим ваколатларини бир ёки бир неча республика ҳудудида амалга оширишни шу республикаларга топшириши мумкин.

8-модда. **Мулкчилик**

Иттифоқ ва уни ташкил этувчи давлатлар мулкнинг барча шаклларини эркин ривожлантириш ва ҳимоя этишни таъминлайдилар ҳамда ягона умумиттифоқ бозори доирасида корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг фаолияти учун шароит яратадилар.

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, бошқа табиий бойликлар, наботот ва ҳайвонот дунёси республикаларнинг мулки ва улар халқларининг дахлсиз бисотидир. Улардан фойдаланиш, ларга эгалик қилиш ва уларни тасарруф этиш (мулкчилик ҳуқуқи) республикаларнинг қонунлари билан белгилаб қўйилади.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар Иттифоқ ҳокимият ва бошқарув идоралари зиммасига юклатилган ваколатларни амалга ошириш учун зарур бўлган давлат мулки иншоотларини Иттифоққа бириктириб қўядилар.

Иттифоқ бошқарувидаги давлат мулки уни ташкил этувчи давлатларнинг муштарак мулки бўлиб, улардан умумий манфаатлар йўлида, шу жумладан қолоқ минтақаларни жадал ривожлантириш манфаатлари йўлида фойдаланилади.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар Иттифоқнинг ушбу шартнома тузилган пайтда мавжуд бўлган олтин заҳирасида, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга бўлишга ҳақлидирлар. Уларнинг хазиналарни янада кўпайтиришдаги ва улардан фойдаланишдаги иштироки алоҳида битимларда белгилаб берилади.

9-модда. **Иттифоқ солиқлари ва йиғимлари**

Иттифоқ давлат бюджетини ва Иттифоқнинг ваколатларини бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни пул билан таъминлаш учун республикалар билан келишиб белгиланадиган миқдорда Иттифоқ солиқлари ва йиғимлари, шунингдек уларнинг умумиттифоқ дастурларига улуши ажратмалари тайинлаб қўйилади. Мазкур ажратмаларнинг ҳажми ва нима мақсадга ишлатилиши Иттифоқ билан республикалар ўртасидаги битимларга мувофиқ уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўрсаткичларини ҳисобга олиб тартибга солинади.

10-модда. **Иттифоқ Конституцияси**

Ушбу шартнома Иттифоқ Конституциясининг асосидир.

11-модда. **Қонунлар.**

Иттифоқнинг қонунлари, уни ташкил этувчи давлатларнинг Конституциялари ва қонунлари ушбу шартноманинг қоидаларига зид бўлмаслиги лозим.

Иттифоқнинг ўз бошқарувидаги масалаларга оид қонунлари республикалар ҳудудида устун бўлади ва ижро этиш учун мажбуридир.

Республиканинг Иттифоқ бошқарувига ўтказилган масалалардан ташқари барча масалаларга оид қонунлари республика ҳудудида устун бўлади.

Республика, башарти Иттифоқнинг қонуни ушбу шартномани бузадиган бўлса, республиканинг ўз ваколатлари доирасида қабул этган Конституциясига ёки қонунларига зид бўлса, ўз ҳудудида унинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ва бу хусусда норозилик билдиришга ҳақлидир.

Башарти республиканинг қонуни ушбу шартномани бузадиган бўлса, Иттифоқнинг ўз ваколатлари доирасида қабул этган Конституциясига ёки қонунларига зид бўлса, Иттифоқ бу хусусда норозилик билдиришга ва мазкур қонуннинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

Иккала ҳолатдаги баҳслар муросага келтириш тартиб-қоидалари билан ҳал этилади ёки Иттифоқ конституциявий судига берилади.

III.

ИТТИФОҚ ИДОРАЛАРИ

12-модда. **Иттифоқ идораларини тузиш**

Иттифоқ ҳокимият ва бошқарув идоралари халқларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор қилиши ҳамда Иттифоқни ташкил этувчи давлатларнинг ваколатлари иштирокида тузилади. Бу идоралар ушбу шартноманинг ва Иттифоқ Конституциясининг қонун-ларига қатъий мувофиқ равишда ишлайди.

13-модда. **ССР Иттифоқи Олий Кенгаши**

ССР Иттифоқининг Олий Кенгаши Иттифоқнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга ошириб, у икки палатадан: Республикалар Кенгаши ва Иттифоқ Кенгашидан иборат бўлади.

Республикалар Кенгаши республикаларнинг олий ҳокимият идоралари вакил қилиб юборган намояндаларидан иборат бўлади. Республикалар Кенгашида республикаларнинг ва миллий-ҳудудий тузилмаларнинг шартнома имзоланган пайтда СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашидаги мавжуд миқдордаги депутатлик ўринлари сақланиб қолади.

Иттифоқ таркибига бевосита кирувчи республикадан шу палатанинг барча депутатлари масалаларни ҳал этишда битта умумий овозга эга бўладилар. Вакилларни сайлаш тартиби ва уларнинг нормалари республикаларнинг махсус битимида ва ССР Иттифоқининг сайлов қонунида белгилаб қўйилади.

Иттифоқ Кенгаши бутун мамлакат аҳолиси томонидан тенг сонли сайловчилари бўлган сайлов округларида сайланади.

Иттифоқ Олий Кенгашининг палаталари биргаликда СССР Конституциясига ўзгартишларни киритадилар; СССР таркибига янги давлатларни қабул қиладилар; Иттифоқнинг ички ва ташқи сиёсати асосларини белгилайдилар; Иттифоқ бюджетини ва унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлайдилар; уруш эълон қиладилар ва сулҳ тузадилар; Иттифоқ чегараларининг ўзгаришини тасдиқлайдилар.

Республикалар Кенгаши Иттифоқ идораларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг тартиби тўғрисида қонунлар қабул қилади; республикалар ўртасидаги муносабат масалаларини кўриб чиқади; ССР Иттифоқининг халқаро шартномаларини тасдиқлайди; ССР Иттифоқи конституциявий судини сайлайди; ССР Иттифоқи Вазирлар Маҳкамасининг тайинланишига розилик беради.

Иттифоқ Кенгаши СССР фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланиши масалаларини кўриб чиқади, Республикалар Кенгашининг ваколатига ўтказилган масалалардан ташқари барча масалалар юзасидан қонунлар қабул қилади.

Иттифоқ Кенгаши қабул қилган қонунлар Республикалар Кенгаши маъқуллагандан кейин кучга киради. Башарти Иттифоқ Кенгаши қабул қилган қонун Республикалар Кенгашида маъқулланмаса, у Иттифоқ Кенгашида такрор кўриб чиқилади ва шу палата депутатларининг камида учдан икки қисми тасдиқлашни ёқлаб овоз берган тақдирда кучга киради.

14-модда. **Совет Суверен Республикалари Иттифоқининг Президенти**

Иттифоқ Президенти — Иттифоқ давлатининг бошлиғидир, у олий ижроия бошқарув ҳокимиятига эга бўлади.

Иттифоқ Президенти Иттифоқ шартномасига, Иттифоқ Конституцияси ва қонунларига риоя этилишига кафил бўлади; Иттифоқ қуролли кучларининг бош қўмондони ҳисобланади; хорижий мамлакатлар билан муносабатларда Иттифоқ номидан иш кўради; Иттифоқнинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилади.

Президент Иттифоқ фуқаролари томонидан яширин овоз бериш йўли билан умумий, тенг ва тўғри сайлов ҳуқуқи асосида 5 йил муддатга ва сурункасига кўпи билан икки муддатга сайланади. Умуман Иттифоқда ва уни ташкил этувчи кўпчилик давлатларда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олган номзод сайланган ҳисобланади.

15-модда. **ССР Иттифоқи вице-президенти**

ССР Иттифоқининг вице-президенти ССР Иттифоқи Президенти билан бирга сайланади. Иттифоқ вице-президенти Иттифоқ Президенти берган ваколатга мувофиқ унинг айрим вазифаларини бажаради, СССР Президенти бўлмаган пайтларда ва у ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлмаганида унинг ўрнини босади.

16-модда. **ССР Иттифоқи Вазирлар Маҳкамаси**

Иттифоқ Вазирлар Маҳкамаси — Иттифоқ Президентига бўйсунадиган ва Олий Кенгаш олдида масъул бўлган Иттифоқ ижроия ҳокимиятининг коллегиал идорасидир.

Вазирлар Маҳкамаси Иттифоқ Президенти томонидан Иттифоқ Олий Кенгаши билан келишиб тузилади.

Иттифоқ Вазирлар Маҳкамасининг ишида республикалар ҳукуматларининг бошлиқлари ёки овоз билан қатнашишлари мумкин.

17-модда. **ССР Иттифоқининг конституциявий суди**

Иттифоқ конституциявий суди Иттифоқ ва республикаларнинг қонун ҳужжатлари, Иттифоқ Президенти ва республикалар Президентларининг фармонлари, Иттифоқ Вазирлар Маҳкамаси меъёрий ҳужжатларининг Иттифоқ шартномасига ва Иттифоқ Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади, шунингдек Иттифоқ билан республикалар ўртасидаги, республикалар ўртасидаги баҳсларни ҳал этади.

18-модда. **Иттифоқ (федерация) судлари**

Иттифоқ (федерация) судлари — Совет Суверен Республикалари Иттифоқининг Олий суди, Иттифоқнинг олий ҳакамлик суди, Иттифоқ қуролли кучларидаги судлардан иборат.

Иттифоқ Олий суди ва Иттифоқ олий ҳакамлик суди Иттифоқ ваколатлари доирасида судлов ҳокимиятини амалга оширади. Республикалар Олий суд ва ҳакамлик идораларининг раислари лавозимларига кўра тегишли Иттифоқ Олий суди ва Иттифоқ олий ҳакамлик суди таркибига кирадилар.

19-модда. **ССР Иттифоқи Прокуратураси**

Иттифоқ қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан назоратни Иттифоқ Бош прокурори, республикаларнинг бош прокурорлари (прокурорлари) ва уларга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар.

Иттифоқ Бош прокурори Иттифоқ Олий Кенгаши томонидан тайинланади ва унга ҳисобот беради.

Республикаларнинг бош прокурорлари (прокурорлари) уларнинг қонун чиқарувчи олий идоралари томонидан тайинланади ва лавозимларига кўра Иттифоқ Прокуратураси ҳайъати таркибига киради. Улар Иттифоқ қонунларининг ижроси устидан назорат қилиш соҳасидаги ўз фаолиятида ўз давлатларининг қонун чиқарувчи олий идораларига ҳам, шунингдек Иттифоқ Бош прокурорига ҳам ҳисобот берадилар.

IV.

ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

20-модда. **Совет Суверен Республикалари Иттифоқининг расмий тили**

Республикалар ўз давлат тилини (тилларини) мустақил белгилайдилар. Шартнома қатнашчилари рус тилини Иттифоқнинг расмий тили деб биладилар.

21-модда. **Иттифоқ пойтахти**

Москва шаҳри ССР Иттифоқининг пойтахтидир.

22-модда **Иттифоқнинг Давлат рамзи**

ССР Иттифоқининг Давлат герби, байроғи ва Мадҳияси бўлади.

23-модда. **Шартноманинг кучга кириши**

Ушбу шартнома Иттифоқни ташкил этувчи давлатларнинг ҳокимияти олий идоралари томонидан маъқулланади ва уларнинг мухтор делегациялари имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

Шартномани имзолаган давлатлар учун ССР Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги 1922 йил шартномаси шу кундан бошлаб кучини йўқотган ҳисобланади.

Шартнома кучга киргач, уни имзолаган давлатлар учун энг кўп қулайлик тартиби амал қила бошлайди.

Совет Суверен Республикалари Иттифоқи билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи таркибига кирувчи, аммо ушбу шартномани имзоламаган республикалар муносабатлари ССР Иттифоқининг амалдаги қонунлари, ўзаро мажбуриятлар ва битимлар асосида тартибга солиниши лозим.

24-модда. **Шартнома юзасидан масъулият**

Иттифоқ ва уни ташкил этувчи давлатлар қабул этилган мажбуриятларни бажариш учун ўзаро масъул бўладилар ва ушбу шартномани бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплайдилар.

25-модда. **Шартномани ўзгартириш ва тўлдириш тартиби**

Ушбу шартнома ёки унинг айрим қоидалари Иттифоқни ташкил этувчи барча давлатларнинг розилиги билан ёки бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

Зарурат туғилган тақдирда, шартномани имзолаган давлатлар ўртасидаги битимга биноан унга иловалар қабул этилиши мумкин.

26-модда. **Иттифоқ олий идораларининг давомийлиги**

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қонун чиқарувчи, ижрочи ва судлов олий идоралари Совет Суверен Республикалари Иттифоқининг олий давлат идоралари тузилгунга қадар ушбу шартномага ва СССР-нинг янги Конституциясига мувофиқ ўз ваколатларини сақлаб қоладилар.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

СССР Вазирлар Маҳкамаси юк жўнатувчилар (юк олувчилар) билан тузилган шартномаларга мувофиқ 1991 йилда янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини мамлакатнинг Жанубий минтақаларидан бошқа минтақаларга ўз самолётларида ташишни СССР Мудофаа вазирлигига топширди.

СССР Мудофаа вазирлиги самолётларида янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини ташишга СССР Граждан авиацияси вазирлигининг қатновдаги самолётлар билан юк ташиш тарифларига биноан самолётларни юк ортиладиган аэродромларга етказиш харажатларини ҳисобга олмай ҳақ тўланади. Бунда ҳарбий самолётларнинг фуқаро авиацияси аэродромларидан учиши ва қўниши учун ҳақ тўланиши лозим.

СССР Мудофаа вазирлигини мева-сабзавот маҳсулотларини ташиб берганлик учун юк жўнатувчилар (юк олувчилар)дан олган маблағнинг 70 фоизини Иттифоқ бюджетига ўтказишдан озод қилишга қарор қилинди.

СССР Фуқаро авиацияси вазирлигига СССР Мудофаа вазирлигининг мева-сабзавот маҳсулотларини ташиётган самолётларига амалдаги шартларга мувофиқ ҳеч қандай тўсқинликсиз хизмат қилишни таъминлаш топширилди.

СССР Табиат ресурслари вазирлиги ва СССР Мудофаа вазирлиги ушбу фармойишда кўзда тутилган янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш учун зарур миқдорда авиация ёнилғиси ажратиш тўғрисидаги масалани ҳал этишлари лозим.

ҲАҚ ТЎЛАШ ТЎХТАТИЛАДИ

СССР Молия вазирлиги ва СССР Жамғарма банки маълум қиладики, СССР Жамғарма банки муассасалари 1966 йилги давлат 3 фоизли ички ютуқли заём облигациялари ҳақини тўлашни 1991 йил 1 июлдан бошлаб тўхтатади.

• Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Оммавий ахборот воситалари**

Оммавий ахборот воситалари деганда газеталар, журналлар, телекўрсатув ва радиоэшиттириш программалари, ҳужжатли кино, оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа даврий нашрлари тушунилади.

Матбуот, телевидение ва радио, бошқа оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари муайян оммавий ахборот воситасининг вакили ҳисобланадилар. Таҳририят ўз Устави асосида иш олиб борадиган юридик шахсдир. Таҳририят иқтисодий мустақиллик асосида ҳўжалик фаолиятини юритиши мумкин.

2-модда. **Сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситаси**

Ўзбекистон ССРда барча оммавий ахборот воситалари эркиндир.

Ушбу Қонун Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида ҳар бир фуқаронинг сўз эркинлигига, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига кафолат беради.

Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, танлаш, қабул қилиш ва оммалаштиришда қонунга мувофиқ иш олиб борадилар.

Оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди.

3-модда. **Оммавий ахборот воситаларининг тили**

Оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятларини Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги Ўзбекистон ССР Қонуни асосида олиб борадилар. Жумҳурият фуқароларининг ўз она тилларида ахборот олиш ва ахборот бериш ҳуқуқларига кафолат берилади.

4-модда. **Сўз эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги**

Оммавий ахборот воситаларидан давлат сирини ёки қонун билан махсус сақланадиган ўзга сирни очиш, мавжуд давлат тузуми ва ижтимоий тузумни зўрлик билан ағдариб ташлашга ёки ўзгартиришга даъват қилиш, урушни, зўравонлик, шафқатсизликни, ирқий, миллий, диний устунликни тарғиб этиш, шармсиз суратлар тарқатиш учун, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг шахсий ҳаётига ўзларининг рухсатисиз аралашиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тақиқланади ҳамда қонунга мувофиқ жазоланади.

Прокурор ёки терговчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон этиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахсни айтиш (суд ошкор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустаснодир), балоғатга етмаган қонунбузарнинг шахсини унинг розилигисиз ёки унинг қонуний вакили розилигисиз ошкор қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб шу ишни судда кўриб чиқиш натижаларини олдиндан айтиш ёки ўзгача йўл билан судга унинг қарори ё ҳукми қонуний кучга кирмай туриб таъсир кўрсатиш ман этилади.

II БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5-модда. **Оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқи**

Халқ депутатлари Советлари ва бошқа давлат идоралари, рўйхатга олинган сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, фуқароларнинг қонунга мувофиқ тузилган кооператив, диний, ўзга бирлашмалари, меҳнат жамоалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситаларининг бирор турига якка ҳокимлик қилишга йўл қўйилмайди.

6-модда. **Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш**

Оммавий ахборот воситаларининг таҳририяти ўз фаолиятини тегишли оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинганидан сўнг амалга оширади.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза муассис (таъсис этувчи) томонидан Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитетига топширилади. Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза у олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Чет эл аҳлига мўлжалланган оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхатга олинади.

Оммавий ахборотни чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб бир йил давомида сақланиб туради. Бу муддат ўтказиб юборилган тақдирда рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

7-модда. **Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза**

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) муассис;

2) оммавий ахборот воситасининг номи, тили (тиллари), қаерда жойлашганлиги;

3) мақсадлари ва вазифалари;

4) аҳолининг қандай доирасига мўлжалланганлиги;

5) оммавий ахборот воситасини қанчалик тез-тез чиқариб туриш кўзда тутилаётганлиги, ҳажми, моддий-техникавий ҳамда пул билан таъминлаш манбалари.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш чоғида қонунга зид бўлмаган ўзга маълумотлар ҳам талаб қилиб олиниши мумкин.

Рўйхатга олиш ҳақи Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларида белгиланган тартиб ва ҳажмларда ундирилади.

8-модда. **Ахборотни рўйхатдан ўтказмай туриб тарқатиш**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, бошқа давлат идоралари расмий норматив ҳужжатлар ёки ўзга ҳужжатлар, суд амалиётини ёритувчи бюллетенлар чиқариш учун ахборотни рўйхатдан ўтказмай туриб ошкора тарқатиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, ташкилотлар, ҳуқув ва илмий муассасалар ўз фаолиятларида зарур бўлган ахборот материалларини ва ҳужжатларни рўйхатдан ўтказмай нашр этиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий тарқатишга мўлжалланмаган ёки қўлёзма тарзида кўпайтириладиган босма, аудио ва аудиовизуал маҳсулотни техникавий воситалар ёрдамида тайёрлаш ишларини рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди.

9-модда. **Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этиш**

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш фақат қуйидаги асосларга мувофиқ рад этилади:

1) агар оммавий ахборот воситасининг номи, мақсадлари ва вазифалари Ўзбекистон ССР Конституциясига, мустақиллик тўғрисидаги Декларацияси ҳамда ушбу Қонунга зид бўлса;

2) агар рўйхатга олувчи идора илгари худди шу номдаги оммавий ахборот воситасига гувоҳнома берган бўлса;

3) агар ариза оммавий ахборот воситасининг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қонуний кучга кирганига бир йил тўлмай туриб берилган бўлса.

Рўйхатга олишни рад этиш ҳақидаги хабар ушбу Қонунда кўзда тутилган асослар кўрсатилиб, ёзма равишда аризачига юборилади.

10-модда. **Оммавий ахборот воситасини чиқаришни ёки нашр этишни тўхтатиш**

Оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этиш муассисининг ёки оммавий ахборот воситасини рўйхатга олган идоранинг, ёхуд суднинг қарори билан тўхтатилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олган идора ёки суд ушбу Қонунда кўзда тутилган талаблар бир йил давомида такрор бузилган тақдирда оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши ёки нашр этилишини тўхтатади.

Агар оммавий ахборот воситаси бир йилдан буён чиқарилмаётган ёки нашр этилмаётган бўлса, уни қайтадан чиқариш ёки нашр этиш учун рўйхатга олингани тўғрисидаги янги гувоҳнома талаб қилинади.

Муассис оммавий ахборот воситасини чиқаришни ёки нашр этишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда таҳририятнинг меҳнат жамоаси ёки муҳаррир (бош муҳаррир) 5-модда ва 6-модда талаблари албатта бажарилганда ўша ном билан оммавий ахборот воситасини таъсис этиш масаласини қўйиши мумкин.

11-модда. **Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этганлик, шунингдек унинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш тартиби**

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этиш ёки рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган бир ойлик муддатнинг давлат идораси томонидан бажарилмаслиги, шунингдек оммавий ахборот воситаси фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор хусусида муассис ёки таҳририят судга шикоят қилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳақидаги қарор ғайриқонуний деб топилса, устидан шикоят берилган қарор бекор қилинади.

Суд мулкий низоларни амалдаги қонунлар асосида кўриб чиқади.

12-модда. **Оммавий ахборот воситасининг таҳририят Устави**

Оммавий ахборот воситасининг таҳририят Устави таҳририят журналистлари жамоасининг умумий йиғилишида, жамоа аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва муассис томонидан тасдиқланади.

Таҳририят Устави муассис, муҳаррир (бош муҳаррир) ва таҳририят муносабатларини, журналистлар жамоасининг ваколатларини тартибга солиб туради. Уставга оммавий ахборот воситасининг фаолиятидан тушадиган даромадни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартиби ҳамда бошқа қоидалар киритилади.

Таҳририят Устави Ўзбекистон ССР қонунларига зид бўлмаслиги лозим.

13-модда. **Оммавий ахборот воситасининг муассиси, муҳаррири, таҳрир ҳайъати ва нашири**

Муассис оммавий ахборот воситаси фаолиятининг дастурини (асосий қоидаларини) тасдиқлайди. Оммавий ахборот воситасини чиқарувчи таҳририят ёки ўзга муассаса дастурнинг амалга оширилишини касбий мустақиллик асосида таъминлайди.

Муҳаррир (бош муҳаррир)ни тайинлаш ва бўшатиш тартиби таҳририят устави ва муассис томонидан белгиланади.

Муҳаррир (бош муҳаррир) оммавий ахборот воситаси таҳрир ҳайъати ва таҳририяти ишига раҳбарлик қилади, муассис, нашир, муаллифлар, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг бошқа бирлашмалари ва фуқаролар билан муносабатларда, шунингдек судда оммавий ахборот воситаси номидан иш олиб боради.

Муҳаррир (бош муҳаррир) оммавий ахборот воситасининг фаолияти ушбу Қонунга ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунларига мувофиқ бўлиши учун масъулдир.

Таҳрир ҳайъати таҳририят уставида кўзда тутилган тартибда тузилади.

Муассис, шунингдек нашриёт ёки оммавий ахборот воситасининг чиқаришини моддий-техникавий жиҳатдан таъминловчи ўзга юридик шахс оммавий ахборот воситасининг нашири бўлиши мумкин.

14-модда. **Оммавий ахборот воситаси муассиси, таҳририяти ва нашриннг ишлаб чиқариш, мулкий ва молиявий муносабатлари**

Оммавий ахборот воситасининг муассиси, таҳририяти ва нашири ўртасидаги ишлаб чиқариш, мулкий ҳамда молиявий муносабатлар амалдаги қонунлар ва шартнома асосида олиб борилади.

Шартномада қуйидагилар белгилаб қўйилади:

таҳририятни сақлаб туриш учун маблағ;

оммавий ахборот воситасининг ноширлик фаолиятидан тушадиган фойда (даромад)нинг таҳририят, муассис ва нашир тасарруфига ўтадиган қисмлари;

таҳририят ходимлари учун зарур даражада ишлаб чиқариш шароити, турмуши ва меҳнат қилиши учун ижтимоий-маиший шароитлар яратиш бўйича муассис ҳамда ношириннг мажбуриятлари.

15-модда. **Нашрга доир маълумотлар**

Даврий босма нашрнинг ҳар бир сонида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

1) нашрнинг номи;

2) муассис;

3) муҳаррир (бош муҳаррир) фамилияси, исми-шарифи ёки расмий тахаллуси;

4) даврий нашрлар учун чиқарилиш тартиб рақами ҳамда босилиб чиққан санаси, рўзномалар учун эса шунингдек босиш учун қўл қўйилган вақт;

5) алоқа корхоналари орқали тарқатиладиган даврий нашрлар учун индекс;

6) тиражи;

7) нархи;

8) таҳририят, нашир, босмахона манзилгоҳи.

Телекўрсатув, радиоэшиттириш таҳририяти ҳар сафар эфирга чиққанда, узлуксиз эшиттириш чоғида эса — бир кеча-кундузда камида тўрт марта телекўрсатув, радиоэшиттириш таҳририяти номини эълон қилиши шарт.

16-модда. **Назорат нусхалар ва тақдим этилиши шарт бўлган нусхалар**

Вақтли босма нашрлар босилиб чиқиши биланоқ уларнинг бепул назорат нусхалари таҳририятга, муассисга, Алишер Навоий номидаги жумҳурият Давлат кутубхонасига, Китоб палатасига, ушбу босма нашр рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома берган идорага юборилади.

Матбаа нашрларининг назорат нусхалари ҳамда тақдим этилиши шарт бўлган нусхалари Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши белгилайдиган тартибда бошқа муассаса ҳамда ташкилотларга ҳам жўнатилади.

17-модда. **Телекўрсатув ва радиоэшиттириш материалларининг сақланиши**

Телекўрсатув, радиоэшиттириш таҳририятлари эшиттириш ва кўрсатув материалларини эфирга чиққандан сўнг бир ой давомида сақлаб туришлари, олдиндан ёзиб олмай, эфирга бериладиган эшиттиришларни ва кўрсатувларни рўйхатга олиш дафтарини юритишлари ҳамда бу дафтарда эшиттиришнинг мавзусини, вақтини, эшиттириш ёки кўрсатув бошланган ва тугаган вақтни, эшиттиришни ёки кўрсатувни олиб борган кишининг фамилияси ва исмини қайд этиб қўйишлари шарт. Бундай эшиттиришларни ёки кўрсатувларни рўйхатга олиш дафтари унга сўнгги ёзув киритилган кундан бошлаб бир йил давомида сақланади. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан ва тарихий жиҳатдан муҳим деб топилган материаллар эса тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ доимий равишда сақланиши керак.

III БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТНИ ТАРҚАТИШ

18-модда. **Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш тартиби**

Оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотларини ношир бевосита ўзи ёки шартнома асосида ёхуд бошқа қонуний асосларда алоқа корхоналари, бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар тарқатадилар.

Оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотини нашрга доир маълумотлари кўрсатилмаган ҳолда тарқатиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотининг (нашр маълумотлари кўрсатилган) ҳар бир айрим сонини тарқатишга муҳаррир (бош муҳаррир) уни чиқаришга (эфирга беришга) рухсат этганидан кейингина йўл қўйилади.

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотини қонуний асосда тарқатишга жумладан унинг тиражини ёки тиражининг бир қисмини тортиб олиш билан тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди. Қонуний кучга кирган суд қарори асосида тўсқинлик қилиш бундан мустасно.

19-модда. **Расмий хабарлар**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари ана шу идораларнинг расмий хабарларини эълон қилишлари шарт.

Таҳририят суд идорасининг мазкур оммавий ахборот воситаси орқали эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлган, қонуний кучга кирган қарорини бепул ва белгиланган муддатда эълон қилиши шарт.

IV БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

20-модда. **Оммавий ахборот воситалари орқали ахборот олиш ҳуқуқи**

Фуқаролар давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фаолияти ҳақидаги ишончли маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали оператив тарзда олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситалари тегишли давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан керакли маълумотларни олиш ҳуқуқига эга. Давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар оммавий ахборот воситаларига мавжуд маълумотларни ва ҳужжатлар билан танишиш имкониятини берадилар.

Сўралган маълумотларни тақдим этишдан бош тортганлик учун оммавий ахборот воситаси вакили юқори турувчи идорага ёки мансабдор шахсга, сўнгра эса Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

21-модда. **Муаллифнинг материаллари ва хатларидан фойдаланиш**

Оммавий ахборот воситаларининг журналистика, адабиёт, санъат ва фан асарларидан фойдаланишига муаллифлик ҳуқуқига риоя этилган тақдирда йўл қўйилади.

Қонунда ўзга ҳол кўзда тутилган бўлмаса, таҳририят рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч ким ҳақли эмас.

Муштарийларнинг хатларини эълон қилиш чоғида хат мазмунини бузмай қисқартириш ва таҳрир этишга йўл қўйилади.

22-модда. **Раддия ва жавоб ҳуқуқи**

Фуқаро ёки ташкилот оммавий ахборот воситаси таҳририятидан эълон қилинган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва уларнинг шани ҳамда қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотларни рад этишни талаб қилишга ҳақлидир.

Оммавий ахборот воситасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари поймол қилинган фуқаро ёки ташкилот ўша оммавий ахборот воситасида жавоб эълон қилишга ҳақли.

Раддия ёки жавоб махсус рукнда ёки ана шу жавобга сабаб бўлган мақола босилган айни саҳифада айни ҳарфлар билан —рўзномаларга раддия ёки жавоб келган кундан бошлаб бир ой муддат ичида, бошқа даврий нашрларда навбатдаги сонда эълон қилинади.

Раддия ёки жавоб радио ёки телевидение диктори томонидан айни программа ва туркумда жавоб келган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ўқиб эшиттирилади. Жавоб билан чиқиш ҳуқуқи фуқаронинг ўзига ёки ташкилотнинг вакилига берилиши мумкин.

Жавоб матнини таҳрир қилишга йўл қўйилмайди.

23-модда. **Раддия ёки жавоб эълон қилиш тўғрисидаги аризаларни судда кўриб чиқиш**

Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавоб эълон қилишдан бош тортган ёки уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган бир ойлик муддатни бузган тақдирда манфаатдор фуқаро ёки ташкилот маълумот эълон қилинган кундан бошлаб бир йил давомида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Суд раддия ёки жавоб эълон қилиш тўғрисидаги аризани қонунларда кўзда тутилган тартибда кўриб чиқади.

V БОБ. ЖУРНАЛИСТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

24-модда. **Журналист**

Журналист деганда оммавий ахборот воситаси учун материаллар тўплаш, таҳлил қилиш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи, у билан меҳнат ёки ўзга шартнома муносабатлари билан боғланган ёки унинг берган ваколатига биноан бундай фаолият билан шуғулланувчи шахс тушунилади.

25-модда. **Журналистнинг ҳуқуқлари**

Журналист қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ахборот излаш, олиш ва уни оммалаштириш;

2) журналистлик касби вазифаларини амалга ошириш муносабати билан мансабдор шахслар томонидан қабул қилиниш;

3) қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ҳар қандай ёзувни, кино ва фотосуратга олишни амалга ошириш;

4) гувоҳномасини кўрсатиб, митинглар ва намойишларда, агар журналистнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаса, табиий офатлар юз берган жойларда ҳозир бўлиш;

5) олинган материалларда кўрсатилган далилларни ва тафсилотларни текшириш чоғида мутахассисларга мурожаат қилиш;

6) ўз эътиқодига зид келадиган материалларни ўз имзоси билан тайёрлашдан бош тортиш;

7) таҳрир чоғида мазмуни бузилган материалдан ўз имзосини олиб ташлаш;

8) муаллифлик сир сақланишини шарт қилиб қўйиш.

Журналист ушбу Қонунга мувофиқ ўзига берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

26-модда. **Журналистнинг бурч ва масъулиятлари**

Журналист:

1) ўзи меҳнат муносабатлари ўрнатган оммавий ахборот воситаси ҳаракат дастурини амалга ошириш, таҳририят уставига амал қилишга;

2) ўзи бераётган ахборотнинг тўғрилигини текширишга;

3) ахборотни берган шахсларнинг хабар муаллифини кўрсатиш тўғрисидаги илтимосини қондиришга;

4) муҳаррир (бош муҳаррир) ёки таҳририят берган топшириқ қонунга зид бўлса, уни бажаришдан бош тортишга;

5) фуқароларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, миллий қадр-қимматини, шунингдек ташкилот ва корхоналар ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳурмат қилишга мажбур.

Журналист сўз эркинлигини суиистеъмол қилганлиги, фуқароларни, ташкилотларни бадном қиладиган, ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларни тарқатганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Юқорида кўрсатилган қоидабузарлик учун журналист қонунда белгиланган тартибда маъмурий, моддий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Журналист ушбу Қонун доирасида ўзга бурчларни ҳам бажаради.

27-модда. **Журналистларни вакил қилиб тайинлаш**

Оммавий ахборот воситалари давлат идоралари ҳамда жамоат бирлашмаларининг идоралари билан келишиб, уларнинг ҳузурига ўз журналистларини вакил қилиб тайинлашлари мумкин.

ССР Иттифоқи, иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари жумҳуриятда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган бошқа давлат ташкилоти рухсати билан аккредитация қилиниши зарур.

VI БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

28-модда. **Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарликнинг асослари**

Сўз эркинлигини суиистеъмол қилиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, фуқаронинг ёки ташкилотнинг шаънига ҳамда қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотларни тарқатиш жавобгарлик учун асос бўлади. Журналистлар томонидан судга, тергов органларига таъсир ўтказиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий ёки ўзга жавобгарликка олиб борадиган асосларидир.

Белгиланган қоидага кўра рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг эълон этилган мақсад ва вазифаларини адо этишини таъминлаш мақсадида уларни рўйхатга олувчи органлар ҳуқуқий экспертиза ўтказиб туриши, касбкорлик ёрдамини кўрсатиши, ахборот билан таъминлаши лозим.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун айбдор деб топилган давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, шунингдек, оммавий ахборот воситасининг таҳририяти, муҳаррири (бош муҳаррири), тарқатилган хабар ва мақолаларнинг муаллифлари жавобгар бўладилар.

29-модда. **Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги**

Давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари томонидан журналистларнинг касби билан боғлиқ қонуний фаолиятни амалга оширишларига тўсқинлик қилиниши, журналистларни ахборот тарқатишга ёки тарқатишдан бош тортишга мажбур этиш амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

30-модда. **Оммавий ахборотни ғайриқонуний тайёрлаганлик ва тарқатганлик учун жавобгарлик**

Оммавий ахборот воситасини ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказмай туриб ёки уни чиқаришни ёхуд нашр этишни тўхтатиш тўғрисидаги қарордан кейин унинг маҳсулотларини тайёрлаш ва тарқатиш халқ судьяси томонидан беш юз сўм миқдорида жарима солиниб, босма ёки бошқа маҳсулотни мусодара этиш тарзида маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган қонунбузарликни бир йил давомида такрор содир этиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади ва айбдорга қарашли бўлган ахборот тайёрлаш ва тарқатиш учун фойдаланиладиган техника воситаларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай бир минг сўмгача жарима солиш билан жазоланади.

31-модда. **Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарликдан озод қилиш ҳоллари**

Муҳаррир (бош муҳаррир), шунингдек журналист оммавий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материаллар тарқатилганлиги учун қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлмайдилар:

1) агар бу маълумотлар расмий хабарлардан олинган бўлса;

2) агар улар ахборот агентликлари ёки давлат ва рўйхатга олинган жамоат идораларининг матбуот хизмати орқали олинган бўлса;

3) агар улар халқ депутатлари Советларининг сессияларида, жамоат ташкилотлари съездлари, конференциялари, пленумларида сўзланган, шунингдек бошқа ҳолатлардаги расмий нутқларнинг такрорланишидан иборат бўлса;

4) агар улар олдиндан ёзилмай эфирга берилган муаллиф нутқларида ёки ушбу Қонунга мувофиқ таҳрир қилинмайдиган нашрда бўлса.

32-модда. **Етказилган маънавий зарарни қоплаш**

Оммавий ахборот воситаси ҳақиқатга тўғри келмайдиган, фуқаронинг шани ва қадр-қимматига доғ туширадиган ёки унга мулк билан боғлиқ бўлмаган бошқача зарар етказадиган маълумотни тарқатиши натижасида фуқарога етказилган маънавий (мулк билан боғлиқ бўлмаган) зарар суд қарорига мувофиқ оммавий ахборот воситаси, шунингдек айбдор мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қопланади. Маънавий (мулк билан боғлиқ бўлмаган) зарарни пул билан қоплаш миқдорини суд белгилайди. Маънавий зарарни пул билан қоплаш миқдори ўн минг сўмдан ошмаслиги керак. Оммавий ахборот воситалари орқали кечирим сўраш, хатони ошкора тан олиш орқали ҳам бундай маънавий зарарнинг ўрни қопланиши мумкин.

VII БОБ. ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

33-модда. **Ўзбекистон ССРда чет эл оммавий ахборот воситалари, хорижий давлатлар дипломатия ва бошқа ваколатхоналари вакилларининг фаолияти**

Оммавий ахборот воситалари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон ССР тузган халқаро шартномалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон ССРда вакил қилиб тайинланган чет эл мухбирларининг ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари бошқа вакилларининг ҳуқуқий ҳолати ва касбига оид фаолияти, шунингдек хорижий давлатлар дипломатия, консуллик ва бошқа расмий ваколатхоналарининг Ўзбекистон ССРда ахборотга оид фаолияти ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан, ССР Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ССРнинг тегишли халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

• Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

— 1991 йилнинг 1 августига қадар республика аҳолисига мўлжалланган оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олувчи идоралар доирасини, шунингдек тегишли оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш учун йиғим ундириш тартиби ва миқдорини белгилаш масалаларига доир таклифларни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига киритсин;

— 1991 йил давомида ноширлик фаолиятини такомиллаштириш масалаларига доир таклифларни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига киритсин;

— матбаа маҳсулотларини чиқариш ва нашр этишни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш ҳамда муштарийлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча чора-тадбирларини ишлаб чиқсин;

— Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг тегишли қарорларини «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЮЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

Гулқайчи

ЖИҒИЛДОНИ ЎПҚОН

Қўшма назорат

Иқтисодий тақчиллик баҳона бўлиб, борини ҳам ими-жимида гумдон қилаётган савдо ходимларининг хурмача қилиқлари фуқаролар насибасини қирқмоқда. Савдо омборлари, магазинлар ичкариларида аҳоли эҳтиёжи учун зарур моллар бор. Бироқ улар эгриқўл савдо ходимларининг бепарволиги туфайли пештахта юзини кўрмай йўқ бўлаяпти. Кейинги пайтда савдо тармоқларини назорат қилиб турувчи расмий ташкилотлар, ишчи назорати комиссиялари, БХСС ходимлари ҳам ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолдилар. Оқибатда сотиш учун келтирилган моллар яширилиб, сунъий тақчиллик юзага келаётир. Бу ҳолат савдо ходимларининг хуфя бозорини чаққон қилса, олибсотарлар тегирмонига янада «мўл сув» қўяётир.

Текширишлардан маълум бўлдики, саноат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар вилоят районларига ўтган йилгидан кам бўлмаган миқдорда етказиб берилмоқда. Ноқоқ савдо ходимлари эса харидор ҳақига хиёнат қилиш, алдамчилик, юлғичлик авж олдириб юбормоқдалар. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Фарғона вилоятида 230 минг сўмлик турли моллар, шундан 100 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари яширилиб қўйилганлиги аниқланди. Давлат савдоси тармоғи бўйича аниқланган 97 та ҳодисанинг 35 таси камёб, харидоргир молларни яширилиб қўйишдир. Матлубот жамияти уюшмаси соҳасида бундай далил 237 та чиқди.

Ўзбекистон район Яйпан матлубот жамиятига қарашли 1-универмаг пойабзал бўлими мудири Х. Икромиддинов 132 минг сўмлик, Фарғона районидаги 7-магазин мудири Э. Султонов эса умумий қиймати 25 минг сўмлик ноёб молларни яшириб қўйганлар.

Олтиариқ ноҳиясида «Тинчлик» матлубот жамиятига қарашли 4-магазинга Ҳабиба Собирова мудирлик қилади. Ижара пудрати асосида ишлаётган дўконда савдо қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Бу ердаги кўргазма пештахталарига омбордаги ҳамма маҳсулотлардан намуналар қўйилган эмас. Текширишда ҳар бири 80 сўмлик учта ҳамда баҳоси 102 сўмлик қизлар пальтоси яшириб қўйилганлиги аниқланди. Бундан ташқари ҳар бири 2 сўм 85 тийин бўлган 1680 дона рўмол, донаси 2 сўм 10 тийинли эркаклар ип пайпоқлари ҳам омбордан чиқарилмаган. Бу ерда Президент фармонига мувофиқ тўланадиган 5 фоизли солиқ ёзиб қўйилган. Аммо қайси буюмлардан солиқ олиш бекор қилингани бирор жойда кўрсатилмаган.

«Облкоопвнештор»нинг Файзиободдаги омборида 300 хилдан ортиқ хориждан келтирилган моллар бор. Улар тижорат дўконлари орқали харидорларга сотилади. Бироқ бу ерда тўпланиб қолган маҳсулотлар вақтида савдога чиқарилганича йўқ. Текширишда ҳар бири 630 сўмлик 2000 дона Японияда тайёрланган аёллар жемпери, ҳар бири 288 сўмдан 500 сўмгача бўлган Австрияда тайёрланган 3 хил аёллар этиги, 1000 та болалар жемпери, 4000 дона зонтик, Польша сигаретлари ва бошқа кўплаб харидоргир буюмлар сақланаётгани маълум бўлди.

— Бу вилоятлар, — дейди омбор мудири Тоҳиржон Ғоипов, — Жанубий Кореядан олинди. Улар вилоят агросаноат бошқармаси тақсимоти бўйича хўжаликларга сотиларди. Аммо харид қилувчилар вақтида олиб кетишмаяпти.

Маълум бўлишича, ҳар бир метри 102 сўм 50 тийиндан бўлган 8 минг метр вилюр материали ҳаракатсиз ётибди.

Омборда камёб моллар тиқилиб кетган, тижорат дўконларида-чи? Ноҳия марказидаги «Баҳор» универмагининг тижорат бўлимида пештахталар бўш. Баҳоси отнинг калласидек, ўзи эса харидорга ёқмайдиган буюмлардан бўлак ҳеч ваҳо йўқ. Қани энди биз омборда кўрган Японияда тайёрланган пальто, жемпер, кўйлак ва бошқа матолар дўконларда бўлса, қиммат нархда ҳам харидор уни жон-жон, деб оларди-ку!

Бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига узлуксиз етказиб бериш чоралари кўрилиб, дуруст амалга оширилмоқда. Маҳаллий кенгашларнинг ижроия комитетлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари кўраётган тадбирларида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш кўзда тутиларди.

Аммо айрим юлғич савдо ходимларининг жиғилдони ўпқонга айланиб кетганлиги шу йўлда ҳам панд бермоқда. Фарғона шаҳар озиқ-овқат идорасига қарашли 50-магазин мудири Ҳ. Жумаева 4.166 сўмлик пахта ёғини гаразли мақсадда яшириб қўйган. Ленинград ноҳиясида ароқ дўкони мудири А. Абдуманнопов сотиш учун келтирилган 9.600 сўмлик ароқни белгиланган вақтда сотмай, яшириб қўйган. Олтиариқ ноҳиясидаги «Тинчлик» матлубот жамияти 1-магазин сотувчиси Ботирали Мирзаев харидор Аҳмад Тешабоевга 50 килограмм картошкани 95 сўмга сотиб, харидордан ҳар килограмми учун 10 тийиндан уриб қолган.

Файзиобод матлубот жамиятига қарашли А. Матқодиров мудирлик қилаётган озиқ-овқат магазинига сотиш учун 2150 килограмм шакар, 700 килограмм оқ қанд, 1800 килограмм ўсимлик ёғи келтирилган. Аммо савдо ходими «кир совун ҳам келса, ҳаммасини бирга сотамиз», деб бир неча кун аҳолига маҳсулот сотмаган. Ана шундай йўллар билан савдо ходимларининг ўзлари сунъий тақчилликни вужудга келтираётганлигини, ва одамлар норозилигини кучайтираётганликларини кўриб кўрмасликка олиш жиноят эмасми?!

Текшириш давомида гўшт дўконларидаги аҳвол ҳам назоратдан четда қолмади. Бу ерда ҳам харидорлар ҳақига хиёнат қилиш фактлари учраб турибди. Бўрбалиқ қишлоқ жамоаси хududidagi Ҳабибилло Ҳайдаров қассоблик қилаётган дўкон ифлос, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаган. Қассоб эса харидор ҳақидан уриб қолиш билан овора. «Иттифоқ» жамоаси ҳудудидаги Ориф Юсуфжонов мудирлик қилаётган дўконда бу ишга мутлақо алоқаси бўлмаган қассобнинг укаси Одилжоннинг қўлиқўлига тегмайди. У гўштнинг ҳам «бўй»идан, ҳам «эни»дан уриб қолишда устаси фаранг чиқиб қолди. Риштон ноҳиясидаги тайёрлов идорасига қарашли 3-қассобхона мудири Э. Ҳамдамов икки харидордан 24 сўм уриб қолди.

Савдода ҳалол кишилар ишлаши керак. Ана шундагина камёбликнинг йўли тўсилади. Минг афсуски, ҳозирча бундай бўлмаяпти. Жиғилдони ўпқонларга эса шафқат йўқ!

А. ТУХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.
А. АБДУЛЛАЕВ,
«Коммуна» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

«Тадбиркор» рўзномасининг биринчи сони босмадан чиқди. Уни Андижондаги «Менежер» маркази таъсис этди. Ҳафтанома ишбилармон кишиларнинг юқори малакали менежерларни тайёрлаш, бошқарувнинг илғор усулларини ўрганиш, маркетинг қўникмаларини эгаллаш борасидаги кучғайратларини бирлаштириши лозим. Янги рўзнома ўзбек ва рус тилларида ҳозирча уч минг нусхада чиқмоқда.

●

Сирдарё ГРЭСи жамоаси ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратди. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг таҳминан учдан бир қисми тўрт сотихдан олти сотихгача ерга эга бўлиб, улар ўзларини зарур маҳсулотлар билан таъминлашлари мумкин. 1200 гектар боғи, полизи ва токзори бўлган ёрдамчи хўжалик ҳам жуда қўл келмоқда. Бу ерда 130 бош қорамол боқилмоқда. Улар яқин орада ўз балиқчилик хўжаликларини ҳам барпо этадилар.

●

Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўртача ойлик иш ҳақи деярли икки баравар кўпайди. Бу тариф ставкаларини икки баравардан зиёд ошириш ҳисобига қилинди. Разряд учун меҳнатга ҳақ тўлаш коэффициенти ортди, тунги сменада ишлайдиганлар меҳнатига ҳақ тўлашда ҳам ўзгаришлар бўлди. Маошнинг оширилиши корхонага умуман 3,5 миллион сўмга тушади, бу пуллар фойдадан олинади.

●

Гулистон ёғ-экстрация заводи ҳузурида саноторийсоғломлаштириш масканини очишга қарор қилинди. Бу ерда қазилган қудуқдан сув чиқди. Ундан буйрак касалликларини даволаш учун фойдаланилади. Бу ерда корхона ходимлари имтиёзли ва текин йўлланмалар билан даволанадилар. Даволаниш учун келадиган кишиларга меҳмонхона очилади. Шу ернинг ўзида шифобахш ичимлик шиша идишларга қуйилиб, аҳолига сотиш учун тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ ЯШИЛ ТЕАТРИДА

29 июнь соат 17.00 да

Ўзбекистон радиосининг Қишлоқ хўжалик эшиттиришлари бош муҳарририяти

ТАЪЗИМ СИЗГА, БОБОДЕҲҚОН!

УЧРАШУВ-САЙЛИНИ ўтказади.

ҚАТНАШАДИЛАР:

АБДУВАҲОБ ИЎЛДОШЕВ — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи ўринбосари;

ҲАМИДУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ — «Узплодоовощвинпром» концерни раисининг биринчи ўринбосари;

САИД УСМОНОВ — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот илмгоҳи директори, жумҳурият шахсий ёрдамчи хўжаликлар ассоциациясининг раиси;

ЖУМҲУРИЯТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИ. Олимлар: Остон ЖАЛИЛОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Билол АМИНОВ, Фатҳулла ИСМАТУЛЛАЕВ;

ШОИРЛАР:

АБДУЛЛА ОРИПОВ,
НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ.

САНЪАТКОРЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари:
ҒАНИЖОН ТОШМАТОВ, НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ, МУҲАББАТ ШАМАЕВА;
Ўзбекистон халқ ҳофизи — ҲАСАН РАЖАБИЙ.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ФАХРИДДИН УМАРОВ, ОРИФХОН ХОТАМОВ, ИЛЕС МАЛЛАЕВ.
Хушовоз хонанда ИЛҲОМ ЖУРАЕВ.
Юнус Ражабий номидаги «МАҚОМ» дастасининг хушовоз яккахон қўшиқчилари: МАҲМУДЖОН ТОЖИБОЕВ, МАҲМУДЖОН ИЎЛДОШЕВ, ИЗРО МАЛАКОВ.

«ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР» дастаси,
«ТАНОВАР» дастаси.
РАДИОЖУРНАЛИСТЛАР: Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ, Ҳайдарали ИСРОИЛОВ, Эркин НЕЪМАТОВ, Мақсуд МУСАЕВ, Облоқул УСМОНҚУЛОВ, Усмон КАРИМОВ, ҒУЛОМ ШОМУРОДОВ.

БОҒДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

ҲОМИЙ: ЧИРОҚЧИ НОҲИЯСИДАГИ «ВОСХОД» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ.

УЧРАШУВ—САЙЛГА МАРҲАБО, АЗИЗЛАР!

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси

12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991—1992 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР (чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 2—3,5 йил.**

ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧИ (асаларичи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва дурадгор мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 2—3,5 йил.**

ФЕРМЕР—ЎСИМЛИКШУНОС (мева-сабзавотчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси, трактор ва автомобилларни тузатувчи чилангар мутахассисликлари берилади).
— **ўқиш муддати 2—3,5 йил.**

КЕНГ ИХТИСОСЛИ ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТ (кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси, трактор ва автомобилларни тузатувчи чилангар мутахассисликлари берилади) — **ўқиш муддати 3 йил.**

АСАЛАРИЧИ — **ўқиш муддати 1 йил.**

ЧОРВА МОЛЛАРИГА ВЕТЕРИНАР ИШЛОВ БЕРИШ ОПЕРАТОРИ — **ўқиш муддати 1—3 йил.**

ҲУЖЖАТЛАР 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар 19 августдан бошлаб биологиядан имтиҳон топширадилар ва касб йўналиши бўйича суҳбатдан ўтадилар.

Билим юртига 9, 11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

3—3,5 йиллик ўқишни тугатганларга ўрта маълумот ҳақида ҳужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади. 2 йиллик фермер гуруҳларига Совет Армияси сафидан қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳлари ўқувчиларга босқичма-босқич текширув натижаларига кўра ҳар курсдан сўнг мутахассислик бериб борилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳларининг ишлаб чиқариш практикаси Ватанимизнинг фермер хўжаликларида ва хорижий мамлакатларда ўтказилади.

Ўқиш муддати иш стажига киради.

Билим юрти замонавий бинога жойлашган, бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт секциялари ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат 3х4 см, 086/У формадаги медицина справкаси.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади ва фақат ўзбек тилида олиб борилади.

Ҳужжатлар соат 8.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, Геофизика қўрғончаси, М. Горький метроси — Тузель автобусининг «Геофизика» бекати. (21, 63, 73, 112-шаҳар автобусларининг охирги «1-Қорасув» даҳаси» бекати), телефон 64-31-34.

Султон АҚБАРИЙ

БОЗОР ВА ОЗОР

Жойларнинг энг ёмони ва номақбули
бу бозорлардир.
(Муслим, Аҳмад, Ҳоким ривоятлари).

Бозор-ўчар қилишга чўнтак тешик,
Андишада қандоқ очаман эшик.
Дарёларнинг лойқаси бешик-бешик.
Эл ҳоли ночор,
Бозордан қочар.
Қизил ёзнинг неъматлари фалон пул,
Етмас кўкдан бошқасига талон-пул.
Кооператив дегани ҳам полон пул,
Корчалон бозор,
Харидор безор.
Алдам-қалдам ҳамма ёқда ривожда,
Ҳукуматнинг фикри-зикри хирожда,
Инсоф қани дегувчи қолди қайда?
Фуқаро зор-зор,
Чекади озор.
Бир кунлик иш ҳақи — тутун пули,
Кетмончининг топгани —ўтин пули.
Шўронинг бормикин бутун пули.
Пул пулни чўзар,
Уст-бош тўзар.
Амал-тақал қилинур қачонгача,
Бормизми, йўқмизми азонгача?
Шарманда бўлдим дейди қозонгача.
Қайдасан Ғузор,
Бадавлат рўзғор?
Истеъмолдан чиқди «туя баҳоси»
Кўрдим демас молни савдо соҳаси,
Кўргиликнинг бормикин интиҳоси.
Кўпдир дилозор,
Йўқдир диловар.
Кремлда ҳам бозор куни бўлсайди,
Тўралар нарх-навони бир билсайди.
Яхши тилак остонадан жилсайди.
Шу бўлса бозор,
Ё алҳазар
Ё алҳазар!

Текинхўрнинг ҳийласи кўп. М. ЖЎРАЕВ чизган расм.

НОМИ БОРУ ЎЗИ ЙЎҚ

Ўтган йил январь ойида Избоскан район халқ таълими бўлимига совет—болгар ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган тўртта компьютер келтирилган эди. Ана кулайликларга эга бўлган бу «Правец-8» 26-мактабга берилди.

Ҳисоблаш техникасидан сабоқ бераётган Мамазокир Мирзажоновнинг қувончи чексиз эди. Мутахассислар, ўз ишининг билимдонларидан маслаҳат олиб турди.

— Компьютер ўқувчини хато қилса ўргатиб, бақирмайди, — дейди Мамазокир ака. — Топшириқ аниқ бажарилса «Баракалла» деган сўз эшитилади. Агар нотўғри бўлса, «Бажара олмадингиз», деган ёзув ҳосил бўлади. Демак, топшириқ такроран берилади ёки уни қандай ечиш кераклигини тушунтиради. Буни кўрган ҳар қандай бола компьютерга бефарқ қарай олмайди. Булар ҳаммаси яхши, бироқ қатор муаммолар ҳам борки, бу бевосита жумҳурият халқ таълими вазирлигига ва мактабларни компьютерлаштириш ҳамда таъмирлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга тегишлидир.

Мактабларда ўрнатилган электрон ҳисоблаш машиналарини таъмирлашни совет—болгар ҳамкорлигидаги «Вариант» корхонаси ўз зиммасига олган. Фарғона вилоятлараро хизмат кўрсатиш марказига қарашли Андижон бўлими бу иш билан шуғулланиши лозим, ҳатто ушга пул ҳам ўтказилган. Минг афсусларки, «Вариант» ўз фаолиятини тўхтатиб қўйгани учун компьютерлар бузуқ ҳолда ётибди. Ахир, носоз компьютерлар нимага ярарди?

Бундан ташқари уларга мосланган махсус стол ва стуллар ҳам келтирилиши керак. Таассуфки, 26-мактабда уларнинг номи бору ўзи йўқ.

М. ТУХТАНАЗАРОВ.

ХАНДА

Газмоллар дўконига кирган хотин қимматбаҳо, гулдор матони эрига кўрсатди:
— Қаранг, дадаси, қандай чиройли! Тикдирсам, менга ярашади. Гулларини қаранг! Сизга ҳам ёқаяпти шекилли?
— Гули ёқаяпти, аммо пули чақаяпти, хотин!

* * *

Бошлиқнинг рафиқаси ишдан хурсанд бўлиб қайтган эрига мурожаат қилди:
— Намунча димоғингиз чоғ?
— Э, хотин, табриклашинг мумкин. Бугун ўринбосарим мени шахматда бир марта ҳам ута олмади.

Ўроқжон ҚИЛИЧЕВ.

ҲИММАТ КЎРСАТИШДИ

Ҳозирда Пискент район халқ таълими бўлими ихтиёрида 36 та мактаб, 16 та болалар муассасалари ишлаб турибди. Шундан 6 та мактаб, 2 та болалар боғчаси «Пискент» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Уларни шу хўжаликнинг қурилиш бўлими бинокорлари таъмирлайди. Шунингдек, Тельман номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжаликлари ҳам ўз ҳудудларидаги мактабларни таъмирлаш ишларига ёрдам беришмоқда.

Райондаги 4, 5, 7, 21, 30-мактабларда созлаш ишлари барвақт тугатилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Бу юмушларнинг кўпчилигини хўжаликлараро қурилиш-таъмирлаш корхонаси ҳамда халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган бўлимна бинокорлари бажаришаяпти.

Жорий йилда ана шу мақсадлар учун мактаблар ва боғча-яслиларга 50 тонна цемент, 25 тонна оҳак, 5 тонна алебастр, 5 тонна мих, 10,5 тонна турли рангдаги бўёқлар ажратилган эди. Нарх-наво ошганлигини ҳисобга олиниб, режадаги 240 минг сўмдан ташқари қўшимча 122 минг сўм пул ажратилди.

Ё. ОЛИМЖОНОВ,
Д. РУСТАМОВА.

Муҳаррир
Н. ЁҚУБОВ.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

29 ИЮНЬ ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

*

9.00 «Ахборот».
9.25 «Дубравка». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
10.40 Болалар учун. «Ўйла, изла, топ».
11.50 «Алифбо сабоқлари». I босқич (такрор.).
12.25 «Номинг ўчсин жаҳонда уруш». Наманган вилояти Чуст ноҳияси уруш ва меҳнат ветеранлари билан суҳбат.
13.05 Спорт кўрсатувлари: 1. Сирим. Корейс миллий кураши. Бутииттифоқ турнири. 2. «Шоҳрўх» клуби.
14.05 «Китоб ва ҳаёт».
14.35 «Деҳқон ва замин».
15.35 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўрахон Султонов.

* * *

18.00 «Ўйин». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Хотира». Шоир Назар Шукур.
20.30 Москва. «Время».
21.10 Оқшом эртаклари.
21.25 Ҳалимжон Жўраев куйлайди.
22.00 «Ҳафтанома».
23.00 «Оила».
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

9.00 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.
10.00 «Ёшлик тароналари». Фильм-концерт.
10.30 Ўлмас Умарбеков. «Ойнинг олтин ўроғи». Видеофильм.
11.40 «Тўлов». Ҳужжатли фильм.

* * *

АШХОБОД КЎРСАТАДИ:

18.05 Янгиликлар.
18.15 «Болалар боғчаларининг кичкинтойлари — бизнинг меҳмонимиз».
19.05 «Оваз». Мусиқий кўрсатув.
19.55 «Туркманистон».
20.10 «Кичкинтойлар, Сизлар учун».
20.30 Москва. «Время».
21.10 «Туркманистон».
21.30 «Маданият муаммолари». Маданиятга оид телемарафонга бағишланган кўрсатув.
23.00 «Едиган». Адабий кўрсатув.

● МТ I

6.00 «Звони русские» фольклор триоси ижро этади.
6.15 Мультфильмлар.
7.00 Ритмик гимнастика.
7.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 ТСН.
8.15 Болалар учун фильм. «Урушдан сўнг — осойишталик» (М. Горький номли киностудия).
9.30 «Иш бошида. Тадбиркорлик ва бизнес».
10.00 «Тонг юлдузи».
11.00 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув.
12.15 Канаданинг миллий байрами — Канада кунига. «Икки тил — бир мамлакат».
13.00 «XX аср. Ташвишли давр хроникаси». Кинопрограмма. «Қирқинчи... машъум йиллар...». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 1-фильм (М. Горький номли киностудия).
14.30 ТСН.
14.50 Женя Белоусов куйлайди.
15.20 Режиссёр Б. Шамшиев фильмлари. «Қараш довонидаги отишма» («Қозоқфильм», «Қирғизфильм»).
17.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 4-серия (Германия — Австрия).
17.30 «Халқаро панорама».
18.15 Халқаро фольклор фестивали.
19.10 «Ер — она масканимиз» фототанлови.
19.15 МТ экранида биринчи марта. «Орзулар жўш урганда». Бадиий фильм («Мосфильм»).
20.30 «Время».
21.10 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина.
22.10 Қўшиқ ҳақида хотира.
22.40 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».
00.10 МТ экранида биринчи марта. «Орзулар жўш урганда». Бадиий фильм.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 7.45 «Здоровье» (сурдо таржимаси билан). 8.15 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 12-кўрсатув.

*

9.15—11.45
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

11.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.00 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 15.30 «Россия тароналари» телерадио танловининг дипломанти «Зоряйне» ансамбли ижро этади (Петрозаводск). 15.40 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. Италия—СССР терма командалари. Италиядан кўрсатилади. 16.40 Коллаж. 16.45 Спорт ҳамма учун. 17.00 **СССР Олий Кенгашининг сессиясида.**

*

17.45—19.45
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 20.30. «Время» (сурдо таржимаси билан).

*

21.10 «Ота». Бадиий фильм (Венгрия).

*

22.45 Спорт программаси.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 3566. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.55. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12